

БУГУНГИ СОНДАН ИҚТИБОСЛАР

Бу борадаги амалий ишлар тизимли равишда давом эттирилиб, галладан бўшаган 400 гектардан ортиқ ер майдонлари 1000 га яқин ёшларга фойдаланиш учун ажратиб берилиши кузда тутилган. **2**

Фарзандлар дарсларни ўз вақтида ўзлаштиришлари учун бугунги кунга қадар қўшнисининг уйига чиқишга, уларнинг телевизоридан фойдаланишга мажбур бўлишмоқда эди. Дунёда ҳамма ишни кечиктириш мумкин, фақат таълим ва тарбияни эмас. **3**

Паркент тумани аҳолисида "Бу йил мадорга оғзи теккан киши, албатта, келаси йил шу кунга эсон-омон етади", деган гап бор. Бунинг ҳикмати "мадор" усимлиги ниҳоятда шифобахшлигидадир. Карантин вақтида Паркент тумани тадбиркорлари томонидан "Мадор" сомсани жойларга етказиб бериш йўлга қўйилди. **4**

Ўйда қолинг!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2020 йил
29 апрель
ЧОРШАНБА
№ 30 (13291)

@haqiqatonline

Қулупнайнинг ўзи ҳам, даромади ҳам "ширин"



Бугуннинг
гапи



Бугун ерга бўлган муносабат ўзгарди. Бир қарич ердан унумли фойдаланиб яхшигина даромад қилаётган, рўзгорини фаровон, дастурхонини тўкин қилаётган ватандошларимиз фаолияти бунга яққол мисол.

– Томорқани ҳазинага қийсганиши бежизга эмас, – дейди Чиноз тумани "Чорвадор" маҳалласида истиқомат қилувчи Суннат Турсуналиев. – Ўтган йили 10 сотихли иссиқхонада етиштирилган бодрингдан 15 миллион сўмдан зиёд соф фойда кўрдик. Бу йил ҳам шунча майдонга бодринг, 2 сотихли қўшимча иссиқхонага қулупнай экканмиз. Айни пайтда иккала ҳосил ҳам пишиб етилгани боис, бир оз шошиб қолганимиз рост. Бироқ, даромадимиз ҳам шунга яраша бўляпти.

Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

Мавзуга доир

ТОМОРҚАСИ БОРНИНГ камбағал бўлишга ҳаққи йўқ

Томорқаси борнинг ҳазинаси борлиги рост. Бунинг исботини қафсдек томорқасида турли кўкатлар, мевалар етиштираётган, иссиқхоналар ташкил этиб, фаровон ҳаёт кечираётган омилкор хонадон соҳиблари мисолида кўриш мумкин.

Бугунги кунда деҳқон хўжаликлари ва ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Бу ҳақда Президентимиз раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам алоҳида айтилди. Халқимиз орасида томорқасидан юқори ҳосил олаётган омилкор инсонлар тажрибасини омалаштириш, томорқаларда бозор-бол экинлар экишни ташкил этиш, мавсумда 2-3 марта ҳосил олинишига

эришиш хусусида сўз юритилди.

Дарҳақиқат, тиллога тенг еримиз, меҳнатсевар халқимиз бор. Томорқадан, яъни кенг имкониятларни ўз бағрида жо қилган улкан заҳирадан унумли фойдалана олсак, аҳоли бугунгида тўқ, фаровон ҳаёт кечиради.

Бунинг Тошкент тумани "Авлиё ота" маҳалласида истиқомат қилувчи аҳоли яхши англайди. Саиджон Тўхтаму-



родовнинг хонадонига кирган кишининг кўзи қувнайди. Ҳовли, қўчаларга анвоий гулу райхонлар экилган, саранжом-сарришта. 3 сотихли иссиқхонадаги помидорларга ранг кириб қолган. Ота касбини улуғлаб, ҳалол меҳнати ордидан фарзандларини уйли-жойли қилган Саиджон ака ва Санобар опа болаларини гўдаклигиданоқ меҳнатга ошно қилиб тарбиялаганликлари боис, оилада барака бор.

(Давоми 2-саҳифада)

"ҲАР БИР ЁШГА – БИР ГЕКТАР!"

Тошкент вилояти республика миқдоридаги маҳаллий вилояти ҳисобланиб, ўзининг иқтисодий салоҳияти, инфратузилмаси, географик жойлашуви нуқтаи назаридан шиддат билан ривожланаётган ҳудудлардан ҳисобланади.

Яхши ташаббус



Вилоятда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида бугунги кунда аҳоли сони кундан-кунга ортиб бориши билан бир қаторда уларнинг бандлигини таъминлаш ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Кейинги йилларда вилоятда ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларга муносиб иш ўринларини яратиш ҳамда ишсизлик муаммосини ҳал этишга қаратилган янги лойиҳаларнинг амалга оширилиши бу борада қатор ижобий натижалар бермоқда.

Вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Акмал Умаралиевнинг айтишича, бугунги кунда вилоятда жами 525 минг 289 нафар 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқаролар истиқомат қилади. Йил бошига жами 21 мингдан ортиқ ишсиз ёшлар аниқланган бўлиб, йил давомида уларнинг 14 минг 537 нафари, яъни 68 фоизини доимий иш билан банд қилиш бўйича манзилли режа ишлаб чиқилган.

Шунингдек, апрель ойида, яъни, карантин вақтида ўтказилган қайта ўрганиш натижасида юқоридagi рақамларга қўшимча равишда 5 минг 764 нафар ёшнинг ишсиз қолганини аниқланган.

Бу борада ҳозирда жойларда сектор раҳбарлари ҳамда мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамкорлигида "Ҳар бир ёшга – бир гектар" лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги олдидан

Яхшилик дунёни асрайди, дейдилар.

Ҳақ гап. Эътибор ва рағбат, иззат-икром фахрийларнинг, нурунийларнинг кўзига нур, қалбига сурур бахш этади. Шу маънода Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони уруш заҳматларини бошдан кечирган халқимизни бениҳоя қувонтирди.



Жароҳати кетдию, важохати кетмади

Бу йил Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабага 75 йил тўлади. Аждодлар хотирасини ёд этиш, эзгу ишларга сафарбарлик, бугун ёнимизда юрган, элу юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган нурунийларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисmidир.

Бука тумани "Бунёдкор" маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Кенжа ота Рўзиматов бу йил 95 ўшни қарши олади. Отахон урушга отланганида билага айна кучга тўлган 20 ёшли йигит эди. Унга оғир жангларда ватанпарварлик туйғуси қалқон бўлди. Ёшлиги олис жангдошларда қолиб кетган бўлсада, ҳамон

бардам ва тетик. Бугунги кунда Кенжа ота 8 фарзанд, 24 набира ва 40 нафар чевараси қуршовида кексалик шукрини қилиб келмоқда. Отахон урушдан соғ-саломат қайтган, узоқ йиллар ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида фидокорона меҳнат қилган. – 1943 йилнинг қаҳратонида урушга отландим. Ўзбек, рус, қозоқ, тоjik тенгдошларим – ҳаммамиз ака-укадек эдик, – дея хотирлайди Кенжа ота. – Шафқатсиз жанглар туфайли кеча ёнимизда бўлган сафдошимиз бугун орамизда йўқ бўлиб қоларди. Ҳар сафар жангга фақат ғалаба умидида кирардик. (Давоми 4-саҳифада)

АСЛ САХОВАТ ПЕШАЛИК

ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚОНИДА БОР



"SAHOVAT VA KO'MAK" umumxalq harakati

"Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати давлатимиз ва халқимиз қудратининг амалий намоёнига айланишига ишонаман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Мавзуга доир мақолани 2-саҳифада ўқинг

Паркентнинг "мадор"и — шилумитетга дори

Маълумот ўрнида: "Мадор" сомса бошқа баҳоринг таомлар орасида организм учун фойдали бўлган С, В, В2, РР, Е витаминлари ҳамда А провитаминага жуда бой. Қанда ва оқсил-моддалари ҳамда кўпгина макро-ва микроэлементлардан иборат.

Юртимиз ноз-неъматлари дунёнинг ҳеч бир ерида топилмайди. Жаннатмонанд, дейишимизнинг сабаби ҳам шу, аслида.

Кунги кеча илтимой тармоқларда хушхабар тарқалди. Коронавирус балосини бутунлай енгишимизга унча кўп вақт қолмабди. Айни мазмундаги хабарларнинг тўғрилигига шубҳа қилмасак ҳам бўлади. Яна ўша гап: толиққан танага дармондориларга бой ноз-неъматлар керак.

Паркент тумани аҳолисида "Бу йил мадорга озги теккан киши, албатта, келаси йил шу кунга эсон-омон етади", деган гап бор. Бунинг ҳикмати, "мадор" ўсимлиги ниҳоятда шифобахш лигидадир. Карантин вақтида Паркент тумани тadbirkorлари томонидан "Мадор" сомсани жойларга етказиб бериш йўлга қўйилди. Айни пайтда 15 нафар етказиб берувчи, кунига 8 мингга яқин "Мадор" сомсани вилоятимиз ва пойтахтимиз аҳолисига етказиб бермоқда.



қадар фойдаланиб, туманимизнинг машхур сомсаларини вилоят ва пойтахт аҳолисига санитария қойдаларига амал қилган ҳолда етказиб бераёلمиз.

— Ҳар кунга 600 дона "Мадор" сомса ёлман, — дейди сомсапаз Дилрабо Йўлдошева. — Карантин вақтида уйда қолиб, сомсаларимизни истеъмол қилиш кони фойда. Чунки, у имму-

Жароҳати кетдию, важоҳати кетмади

Отахоннинг юзларига йиллар солиб ўтган ажинларда ўша машхур кунларнинг ғамгин хотираларини кўргандай бўласиз. Уруш заҳматини бошидан ўтказган инсонлар бугунги тинчлик, фаровон ҳаёт қадрини теран англайди.



Бир сурат шарҳи

Ушбу сурат 1976 йил Томск шаҳрида олинган экан.

КПСС съездида қабул қилинган қарорларнинг болалар боғчасидаги муҳокамаси!

Ажаб даврлар бўлган-да...

Санъаткор ён дафтаридан

Ҳайкал тошнинг ичида аввалдан бўлади. Фақат буни энг яхши ҳайкалтарошгина кўра олади.

Бир хил тип (ампула)даги ролларни ўйнаш актёрни яримта қилиб қўяди.

Давоми. Бошланғичи 1-саноқда) Дилфуза УСМОНОВА

Сахарлик илҳомлари

Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ХУШ КЕЛДИНГ, МОҲИ РАМАЗОН

Энг гўзал иймоннинг дилдоши бўлиб,
Ҳам қалбнинг, ҳам нафсинг бардоши бўлиб,
Покланиш ойининг кўеши бўлиб,
Хуш келдинг, хуш кўрдик, моҳи Рамазон!

Аллоҳнинг раҳмати сочилган кунлар,
Қуръоннинг ҳикмати очилган тунлар,
Тилдан шукр бўлиб ёвган унлар,
Хуш келдинг, хуш кўрдик, моҳи Рамазон!

Биз сени орзиқиб кутгаймиз мудом,
Меҳримиз кўз ёшда тутгаймиз мудом,
Бу дийдор бизларга Танеридан инъом,
Хуш келдинг, хуш кўрдик, моҳи Рамазон!

Шайтонлар бовланган муҳтарам ойсан,
Гуноҳлар тўхтаган мукаррам ойсан,
Муборак, муқаддас, мусаллам ойсан,
Хуш келдинг, хуш кўрдик, моҳи Рамазон!

Лайлатул Қадрнинг нурлари - сенда,
Дуонинг ижобат дурлари - сенда,
Аллоҳнинг не юксак сирлари - сенда,
Хуш келдинг, хуш кўрдик, моҳи Рамазон!

Қуръон нури билан шарафлаган ой,
Ун икки ойга сен бергувчи чирой,
Мўминлар бахтисан, баракава бой,
Хуш келдинг, хуш кўрдик, моҳи Рамазон!

Жаҳоннинг эзгулик айёмида-сен,
Мўминнинг Ҳақ деган, каломиди-сен,
Ҳазрати Пайғамбар саломиди-сен,
Хуш келдинг, хуш кўрдик, моҳи Рамазон!

Кўлги тайм

"На бўлар ҳолинг сенинг, лабларингдан бир ўлсам?.."

Хонанда Анвар Собировнинг ҳозиргина "Наво"даги концертда раққосага саволи. Карантин шартини бузганингиз учун жарима бўлади, нима бўларди!..

Журналист Чори Латиповнинг фејсбук саҳифасидан

Усмонжон отанинг қишлоққа яқин ушаҳарчадаги юмуши ҳадеганда биттавермади. Қишлоқ шаҳарчадан нари борса ўн беш чақирим нарида. У йилгилигида бу масофани писанд қилмаган, пою пиёда босиб ўтган пайтлари бўлган. Ҳозир эса... Бошдаги дўпнига қўл олиб борилса бас, олди орқадан уллов тўхтайд.

Атрофга оқшом ўзининг қора чойшабини ёпиб улгурган, шаҳарчининг катта йўл ёқасидаги бекатида йўловчилар сийрақ. Аксига олиб ҳозиржавоб таксичилар ҳам кўзга ташланмасди.

борган, ўрта бўйли хушсурат йигит вазиятни англади шекилли, салом бериб, узрини айтди. — Ассалому алайкум, амаки, чўчи-тиб юбордимми? Сизни ўзимга ҳамроҳ қилай, деб тўхтадим. Вақт алламаҳал бўлиб қолди.

кўчасида юришга бу йигитни нима мажбур қилди экан? — тизгинсиз ҳаёлларга берилди отахон. — Яхшилиқ қилишни ният қилганман, деяпти. Йўқ, нима бўлгандаям бу яхши йигитни қуруқ жўнатиб юбормаслигим керак... Шу илгинда костюмининг ички чўнтагига қўл солди. Бир тахлам пул турганига ишонч ҳосил қилган, енгил тин олди.

хорижда, нуфузли университетларда хизмат қилмоқда... Кекса йўловчи ичида ўзини ўзи койий бошлади: "Кўнгли очиб йигит экан-ку, шундай мартабадаги одам мутлақо бегона, мендай қишлоқчи бир чолни уйингизга элтиб қўйиб деб илтифот кўрсатса, мен унга ишонмай ўзимни орқага олибман-а, аҳ, эси отган чол-а. Бу яхши йигитни мен барибир рози қилиб жўнатиб юборишим зарур. Хўш, уйда нималар

Фахрийларимиз ижодидан

доққа олиб келиш... — Ҳа, — дедим. — Бундан буён шунақа савобга олиб келишлар кўпайса кўпаядики, камаймайди. Фақат бир илтимосим бор, шу юрт юкини елкада дадил кўтариб юриш учун яхши эмас, фақат аълога ўқинлар йигитлар, хўлми? Йигитлар бараварига "хўп" дейишди. Уларнинг кўзларида қатъий ишонч, иштиёқ учқунларини баралла кўрдим. Назаримда менга бу навихол ёшлар келажакда шу она заминимизни янада обод, кўркам қилишдек улғу, эзгу ишда собит турадигандек туюлди...

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳоқимлиги

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги офисимиз:
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85
Қабулхона:
(факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-65-59, (71) 233-54-10
Электрон почта: toshkenthqiaqati@uamail.uz // th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тохир Махмудхўжаев томонидан саҳифаланди.

Набатчи муҳаррир Аллома АЗИЗОВА
Назоратчи мусахҳиш Дилфуза САИДЖАМОЛОВА
Набатчи Равшан БАЙЖАКОВ